

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАТТАЕВ НУРИТДИН ТЎРАЕВИЧ

**АКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА ДОНАДОР ИОНИТЛАР СИНТЕЗИ
ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Contents of the dissertaion abstract of doctor of science (DSc)

Каттаев Нуритдин Тўраевич

Акрилонитрил асосида донадор ионитлар синтези ва уларнинг физик-
химёвий хоссалари 3

Каттаев Нуритдин Тураевич

Синтез и физико-химические свойства гранулированных ионитов на
основе акрилонитрила 29

Kattaev Nuritdin

Synthesis and physico-chemical properties of granular ion exchangers based
on acrylonitrile 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАТТАЕВ НУРИТДИН ТЎРАЕВИЧ

**АКРИЛОНИТРИЛ АСОСИДА ДОНАДОР ИОНИТЛАР СИНТЕЗИ
ВА УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ**

02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар

02.00.04 – Физик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/K12 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бабаев Туйғун Мирзааҳмедович,**
кимё фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Сидиков Абдужалол Сидикович,**
кимё фанлари доктори, профессор.
Рафиков Адхам Салимович,
кимё фанлари доктори, профессор.
Арсланов Шарафутдин Султанович,
кимё фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/FM/T.36.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик кенгашнинг 2018 йил «27» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶. Тел.: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7⁶. Тел.: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш. Рашидова,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, ЎзР ФА академиги.

Н.Р. Вахидова,
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

В.О. Кудышкин,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор.

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда медицина, фармацевтика, кимё саноати ва бошқа соҳаларда сувларни тузсизлантириш, металлургияда оқова сувлари ва технологик эритмалардан уран, рений, молибден, олтин, кумуш сингари қимматбаҳо рангли металл ионларини ажратиб олиш жараёнларида ион алмашувчи полимер материалларга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Экологик жиҳатдан хавфсизлиги, таннархининг пастлиги, қўлланишдаги қулайлиги ва кўп марталик регенерация қилиш имкониятининг мавжудлиги туфайли ионалмашувчи материаллар сорбцион технологияларда муносиб ўрин эгаллайди.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий изланишларда ионитларнинг олиниш шароитларини уларнинг физик-кимёвий хоссаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш янгича ёндошувлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Дунёнинг етакчи олимлари томонидан эксплуатацион ва физик-кимёвий хоссалари яхшиланган донатор ионитларнинг кўпчилиги суспензион сополимерланиш реакцияларидан фойдаланиб, тикилган сополимерларнинг функционал гуруҳларини кимёвий ўзгартириш орқали синтез қилиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда миллий бозоримизни сифатли, экологик тоза ва маҳаллий хомашё асосида олинган донатор ионит маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада импорт ўрнини босадиган термик ва кимёвий барқарор ионитларни синтез қилиш усулларини ишлаб чиқиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлаш, амалиётга татбиқ этиш бўйича натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашё – акрилонитрил асосида импорт ўрнини босувчи, механик ва кимёвий жиҳатдан мустаҳкам донатор ионитларни синтез қилиш, уларнинг морфологияси ва молекуляр тузилишини, физик-кимёвий хоссалари ва сорбциялаш механизмларини замонавий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлашга қаратилган самарали чора-тадбирлар амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сон «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017–2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 15 июндаги ПҚ-2547-сон «2016–2020 йилларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони.

минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Акрилонитрилнинг полифункционал бирикмалар билан сополимерлари асосида говакли донадор ионитларнинг синтезига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий илмий марказлари ва олий-таълим муассасалари, жумладан University of Loughborough (Буюк Британия), Instituto Militar de Engenharia ва Instituto de Química (Бразилия), “Petru Poni” Institute of Macromolecular Chemistry (Руминия), University of Maria Curie-Skłodowska (Польша), Institute of Macromolecular Chemistry (Чехия), University of Science and Technology of China ва Tianjin University (Хитой), Erciyes University (Туркия), Cairo University (Миср), Amirkabir University of Technology (Эрон), Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Физик-кимёвий хоссалари яхшиланган донадор ионитларни синтез қилиш усуллари ишлаб чиқишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: акрилонитрилнинг чокланган сополимерлари асосида ионалмашинувчи сорбентлар ва бактерицид хусусиятли металл-полимер композитлар синтез қилинган (Instituto de Química (Бразилия); биологик объектлардан ароматик бирикмалар ва антоцианларни ажратиб олиш учун акрилонитрилнинг дивинилбензол билан говакли сополимерини олиш шароитлари такомиллаштирилган (Bursa Technical University, Туркия); акрилонитрилнинг дивинилбензол билан сополимерини 250-350⁰С да ҳавода ва 850⁰С да азот атмосферасида босқичма-босқич оксидлаш йўли билан мезо- ва макроговакли углеродли материаллар олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилган (University of Loughborough (Буюк Британия); акрилонитрилнинг N-винил-2-пирролидон билан чизикли полимерини гамма-нурлантириш ва сснгра гидроксилламиннинг хлорид кислотали тузи билан модификациялаш орқали саноат чиқиндиларидан бўёқларни сорбцияловчи кучли бўқувчан полимерларни олиш усуллари ишлаб чиқилган (University of Malakand, Покистон); поливинилхлоридни кимёвий модификациялаш орқали анион алмашинувчи полимерлар синтез қилинган (Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи Web of Science, Google Scholar, Elibrary.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари олдиндан белгиланган, металл ионларига нисбатан юқори селектив ва кўп марта ишлатиладиган донатор ионитлар синтези бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: полимер матрицаси вазифасини бажарувчи тикилган сополимерларини синтез қилиш қонуниятларини аниқлаш, тикилган сополимерларни кимёвий ўзгартириш орқали юқори фаолликка эга функционал гуруҳларга эга ионалмашинувчи, комплекс ҳосил қилувчи полимерлар ва нанокомпозит тизимлар, юқори самарали ва селективликка эга материаллар яратиш, ионитларнинг сорбцион ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, амалиётда қўллаш талабларидан келиб чиққан ҳолда донатор ионитларнинг олиниш усуллари ва хоссаларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда акрилонитрил асосида донатор ионалмашинувчи материаллар синтези соҳасида акрилонитрил ва бифункционал винил мономерларнинг суспензион полимерланиши билан тикилган сополимерлар олиш ва уларни кимёвий ўзгартириш ёки термик ишлов бериш (карбонлаштириш) орқали углерод материаллари олиш ишлари кенг ёритилган.

Акрилонитрилнинг тикилган сополимерларини турли аминларнинг ишқорий эритмалари таъсирида кимёвий ўзгартириш йўли билан ўзига хос хусусиятларга эга донатор ионитлар синтез қилинган ва уларнинг тузилиши, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари ўрганилган (E.C.Riqueza, A.P. de Aguiar, M.R.M.P. de Aguiar, L.C.D. Maria, Malik D.J., Trochimczuk A.W., Ronka S., Dilek Duranoğlu, Andrzej W. Trochimczuk, Ulker Beker, Самсонов Г.В., Чмутов К.В., Майерс Р., Кунин Р., Синявский В.Г., Пашков А.Б., Салдадзе К.М., Гельферих Ф., Гриссбах Р., Ергожин Е.Е., Ласкорин Б.Н., Осрборн Г., Джандосова К.Д., Коршак В.В., Тевлина А.С., Тростянская Е.Б., Даванков А.Б., Лейкин Ю.А., Копылова В.Д., Бектуров Е.А., Султонов С.А., Аскарлов М.А., Джалилов А.Т., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Мухамедиев М.Г., Туробжонов С.М., Миркамилов Т.М., Магруппов Ф.М., Назирова Р.А., Саидахмедов У.С.).

Адабиётларда акрилонитрил асосидаги полимерлар нафақат сорбцион технологияларда, балки бошқа соҳаларда, жумладан, акрилонитрилнинг винилфосфон кислотаси билан сополимери асосида яратилган ионалмашинувчи мембраналар ёқилғи элементлари (J. Zitka, M. Bleha, J. Schauer, V. Galajdova, M. Paidar, J. Hnat, K. Bouzek), унинг N,N'-метилен-бис-акриламид билан кўндаланг чокланган акрилонитрилнинг айрим винил мономерлари билан гидрогеллар (Kaith Balbir Singh, Jindal Rajeev, Mittal Nemant) сифатида қўллаш борасида маълумотлар мавжуд.

Аммо бугунги кунгача олиб борилган тадқиқотларнинг кўплигига қарамасдан, физик-кимёвий хоссалари олдиндан белгиланган ионитларнинг мақсадли синтези илмий асосларини яратиш муаммоси ечилмасдан қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий - тадқиқот ишлари

режасининг А-6-087. «Маҳаллий хомашё асосида олинган янги донатор ионитларни қўллаган ҳолда рангли ва нодир металлларни саноат эритмаларидан юқори самарали сорбцион технологиясини ишлаб чиқиш» (2006–2008 йй.) ва ПЗ-20170925290. «Маҳаллий хомашёлар асосида ионитлар олиш ва уларни саноат чиқиндиларидан рангли ва камёб металлларни сорбциялашда қўллаш» (2018–2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акрилонитрил асосида структураси олдиндан белгиланган донатор ионитларнинг йўналтирилган синтези, физик-кимёвий хоссаларини ва қўллаш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акрилонитрилнинг тикувчи агентлар N,N'-метилен-бис-акриламид ва дивинилбензол билан суспензион сополимерланиш реакциясини бошқариш;

акрилонитрилнинг тикилган сополимерларини ишқорий гидролизлаш ва гидроксилламин, гидразин, диэтиламин, этилендиамин билан аминлаш орқали кимёвий модификациялаш жараёнини бошқариш;

акрилонитрилнинг N,N'-метилен-бис-акриламид ва дивинилбензол тикилган сополимерлари ва улар асосида олинган ионитларнинг морфологияси ва молекуляр тузилишини аниқлаш;

акрилонитрил асосида олинган янги донатор ионитларни қўллаш соҳаларини аниқлаш мақсадида, уларнинг физик-кимёвий ҳамда эксплуатацион хоссаларини тадқиқ этиш;

донатор ионитларнинг турли ионларни ионалмашиниш ва комплекс ҳосил қилиш орқали сорбциялаш жараёнининг кинетик, шунингдек термодинамик омилларининг ўзгаришини аниқлаш;

акрилонитрил асосидаги янги донатор ионитларнинг металл ионларини сорбциялаши ва комплекс ҳосил қилиш механизмларини компьютер моделлаштириш усуллари ёрдамида исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти акрилонитрил, унинг дивинилбензол ва N,N'-метилен-бис-акриламид билан тикилган сополимерлари ва улар асосидаги донатор ионитлар, янги ионитларнинг металллар билан комплекслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети акрилонитрил асосида хоссалари олдиндан белгиланган донатор ионитларнинг бошқариладиган синтези кинетикаси, шунингдек улар иштирокидаги сорбция жараёнларининг кинетик, термодинамик, энергетик ва координацион омилларини аниқлашдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Изотермик сорбция, потенциометрик титрлаш, фотоэлектроколорометрия, нейтрон активацион спектроскопия, ИҚ-спектроскопия, масс-спектроскопия, электрон микроскопия (РЭМ, СЭМ), термогравиметрик таҳлил (ТГ, ДТГ, ДТА), локал рентген микротаҳлили ва компьютер ҳисоблаш усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор акрилонитрилнинг тикувчи агентлар – N,N'-метилен-бис-акриламид ва дивинилбензол иштирокида суспензион сополимерланиши

усули ёрдамида донатор ионитлар синтезида полимер матрицаси вазифасини бажарувчи янги надмолекуляр структурали сополимерлар олинган;

илк бор акрилонитрилнинг N,N'-метилен-бис-акриламид билан суспензион сополимерланиши кинетикасига турли омилларнинг таъсири ўрганилган ва акрилонитрилнинг физик-кимёвий хоссалари олдиндан белгиланган тикилган сополимерларини олишнинг қулай шароитлари аниқланган;

сувда эрувчан крахмал ва ОП-10 сирт фаол моддаси асосида янги барқарорлаштирувчи тизим ишлаб чиқилган ва микро- ва наноглобуляр архитектурали сополимерлар олиш имконини берадиган химоя коллоидини реакция аралашмага қўшишнинг услуби такомиллаштирилган;

турли инерт суялтирувчилар ва тикувчи агентларнинг табиатининг акрилонитрилнинг N,N'-метилен-бис-акриламид ва дивинилбензол билан тикилган сополимерларининг структуравий-морфологик ва физик-кимёвий хоссаларига таъсири аниқланган;

акрилонитрилнинг N,N'-метилен-бис-акриламид ва дивинилбензол билан тикилган сополимерларини ишқорий гидролизлаш ва гидразин, гидроксилламин, диэтиламин, этилендиамин билан кимёвий модификациялаш жараёнини бошқариш орқали физик-кимёвий хоссалари олдиндан белгиланган, нано-микроглобуляр тузилишли янги донатор ионитлар синтез қилинган;

илк бор акрилонитрилнинг тикилган сополимерларининг гидроксилламин, гидразин, диэтиламин ва этилендиамин таъсирида аминолизининг янги услублари ишлаб чиқилган ва акрилонитрилнинг N,N'-метилен-бис-акриламид билан сополимери асосида хоссалари олдиндан белгиланган янги донатор ионитлар олинган;

янги ионитларга металл ионлари сорбциясининг кинетик ва термодинамик кўрсаткичларини ҳисоблаш орқали уларнинг сорбцион ҳамда физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

замонавий квант-кимёвий усулларни қўллаган ҳолда акрилонитрил асосидаги анионалмашинувчи янги донатор ионитларда d-металл ионларининг комплекс ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлаш бўйича янги усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

белгиланган тузилишли ва хоссали ионитлар олиш учун полимер матрицалари вазифасини бажарувчи акрилонитрил асосида тикилган сополимерларни синтез қилишнинг оптимал шароитлари ишлаб чиқилган;

стабилизаторларни полимерланиш реакцияси босқичларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тизимга киритиш бўйича янги ёндашув олинаётган полимерларнинг эксплуатацион хоссаларини яхшилади;

«Навоийазот» АЖда саноат миқёсида кўп тоннажли ишлаб чиқариладиган акрилонитрил асосида янги донатор ионитлар синтез қилинган;

ионалмашиниш ва комплекс ҳосил қилиш хусусиятлари туфайли саноат оқава сувлари ва бошқа манбалардан металл ионлари ва органик

бирикмаларни ажратиб олишда қўлланиладиган янги донатор буфер катионитлар ва кучсиз асосли анионитларнинг эксплуатацион имкониятлари очиб берилган;

ионитлар ва металл ионлари орасида комплекс ҳосил қилиш жараёнларини компьютерда моделлаштириш орқали уларнинг сорбцион хусусиятларини аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Gaussian09, OpenMX, Avogadro, GaussView 5.0 сингари замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилган ҳолда кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти акрилонитрилнинг дивинилбензол ва N,N'-метилен-бис-акриламид билан суспензион сополимерланиш жараёнининг бошқарилганлиги, акрилонитрилнинг тикилган сополимерларини кимёвий модификациялаш жараёнини ион алмашинувчи ва комплекс ҳосил қилувчи донатор ионитлар олишга мақсадли йўналтирилганлиги, олинган донатор ионитларнинг сорбцион хусусиятлари саноат ишлаб чиқариши шароитида ёки унга яқинлаштирилган муҳитларда аниқланганлиги, донатор ионитларнинг сувли эритмаларда металл ионлари билан комплекс ҳосил қилиш жараёнининг кинетик, термодинамик кўрсаткичлари ва механизмини аниқлашда квант-кимёвий усулларни қўлланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи донатор ионитлар ассортиментининг кенгайтирилгани, олинган ионитларнинг экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, гидрометаллургия, тиббиёт ва озиқ-овқат саноати, оқава сувларини тозалаш ва бошқаларнинг аниқ муаммоларини ечишга йўналтирилганлиги, жумладан, янги КБ–Дп–1 катионити сувни юмшатиш ва топинамбур (*Helianthus tuberosus* L.) ўсимлигининг 0,7 %ли сувли экстрактдан органик (қахрабо, вино, олма ва лимон) кислоталарни сорбциялаши, йўналтирилган синтез оқибатида донатор анионитларда ионалмашиниш ва комплекс ҳосил қилиш қобилияти ҳосил қилинганлиги туфайли уларнинг жуда паст концентрацияли сувли эритмалардан Pd^{2+} , Ag^+ , Co^{2+} , Ru^{2+} , Cu^{2+} сингари қатор d-металл ионларини юқори даражада танлаб сорбциялашидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акрилонитрил асосида тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари олдиндан белгиланган янги донатор ионитларни синтез қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акрилонитрилнинг дивинилбензол билан тикилган сополимерини ишқорий гидролизлаш орқали олинган КБ–Дп–1 катионити «Навоиазот» АЖда амалиётга жорий этилган («Навоиазот» АЖнинг 2017 йил 23 январдаги 02/726-сон маълумотномаси). Натижада сувни тайёрлаш жараёнида регенерация учун зарур бўладиган 3% ли H_2SO_4 эритмаси ҳажми стандартга, яъни четдан импорт қилинадиган КУ-2-8 катионитига нисбатан 2,3 – 2,4 мартага қисқартириш имконини берган;

синтез қилинган янги структурали донадор ионитларнинг металл ионларини сорбциялаш жараёни бўйича натижалар 646659 рақамли «Borohydrate permeability in poly(N-isopropylacrylamide) hydrogels» мавзусидаги илмий лойиҳада полимерлар ва қуйи молекуляр бирикмалар орасидаги таъсирлашув табиатини аниқлашда фойдаланилган (Берлин Гельмгольц марказининг 2017 йил 1 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши борогидрид ва поли-(N-изопропил-акриламид) ўртасида комплекс ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш ва жараённинг Гиббс энергияси, энтальпияси ва энтропиясининг ўзгаришини ҳисоблаш имконини берган;

акрилонитрилнинг тикилган сополимерларини турли аминлар билан кимёвий модификациялашни бошқариш бўйича олинган натижалар И–2016-7-9 рақамли «Мунчоқсимон анионитларни олишни йўлга қўйиш» мавзусидаги илмий лойиҳада полиакрилонитрил ва поливинилхлориднинг функционал гуруҳларини мақсадли ўзгартиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА – 01-11/797 - сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши саноат эритмаларидан металл ионларини ажратиб олишда комплекс ҳосил қилиш хоссаларини намоён қилувчи импорт ўрнини босувчи донадор ионитлар синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 9 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация тузилиши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, унинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг ишончилиги асосланган, натижаларни амалиётга жорий этиш бўйича қисқача маълумот берилган, ишнинг апробацияси натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Акрилонитрил асосида самарали функционал фаол полимерларни олиш усуллари**ни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболи” деб номланган **биринчи бобида** диссертация мавзуси бўйича халқаро ва республикамиздаги илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилиб, унда нитрил гуруҳи тутган полимер матрицаларни синтез қилишнинг замонавий ҳолати, хемосорбцион хусусиятларга эга функционал фаол гуруҳли полимерларни олишга олиб келадиган полимераналогик ўзгаришлар реакциялари шароитлари кўриб чиқилган. Илмий-техника ва патент ахбороти ўрганилиб, турли сорбцион технологиялар учун мўжалланган ионалмашинувчи материалларни мақсадли қўллаш тенденциялари таҳлил қилинган. Мавжуд назарий ва амалий натижалар таҳлили асосида вазифанинг қўйилиши тавсифлаган. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, берилган хоссалар мажмуига эга донадор ионитларнинг зарурияти тўғрисида хулосалар келтирилган.


Диссертациянинг “**Тадқиқот объектлари ва усуллари**” деб номланган **иккинчи бобида** дастлабки моддаларнинг физик-кимёвий тавсифлари, акрилонитрилнинг тикилган сополимерлари ва улар асосида кимёвий фаол полимерларни синтез қилиш ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг “**Акрилонитрилнинг бошқариладиган архитектурали донадор сополимерлари синтези хусусиятлари**” деб номланган **учинчи бобида** полимер матрицаларининг негизини ташкил этадиган акрилонитрилнинг бошқариладиган архитектурали тикилган донадор сополимерларининг йўналтирилган синтези натижалари келтирилган.

Хоссалари олдиндан белгиланган донадор ионитлар олиш учун биринчи босқичда акрилонитрилнинг (АН) дивинилбензол (ДВБ) ва N,N'-метилен-бис-акриламид билан суспензион сополимерланишини бошқариш орқали юқори фазовий тузилишга эга эримайдиган, механик мустаҳкам сополимерлар (негиз матрицалар) синтез қилинган.

Жараён азоизомой кислотаси динитрили (АИКД) ёрдамида 343 К ҳароратда фаоллаштирилди. Интенсив аралаштириш орқали мономер аралашмаси NaClнинг сувли эритмасида 1:4 сув модулида томчилар шаклида дисперсланди.

АН ва ДВБ орасида сополимерланиш реакциясини ва АН–ДВБ сополимерининг тузилишини схематик тарзда қуйидагича тасвирлаш мумкин:




АН–МБА сополимери ҳам ўхшаш тузилишга эга, фақатгина тикувчи агентнинг фрагменти билан фарқланади.

Таъкидлаш жоизки, илмий адабиётларда юқори термик ва кимёвий барқарорликка эга АН–ДВБ сополимерлари ҳақида маълумотлар кўп учрайди. Аммо АН нинг МБА билан сополимерланиши деярли ўрганилмаган. Шу сабабли АН нинг МБА билан сополимерланиши кинетикаси ва унга турли омилларнинг таъсири АН нинг ДВБ билан сополимерланишига солиштирган ҳолда ўрганилди.

Аниқландики, сополимер унумининг реакция давомийлигига таъсири характери одатдаги гетерофазали полимерланиш реакцияларига мос келади. Конверсия даражаси 5–10 %га етганда полимерланиш тезлиги кескин ортади ва сополимер унуми 70–80 %ни ташкил этганда секинлашади. Суспензион полимерланишга хос бўлган ва диффузион жараёнлар билан боғлиқ бўлган кичик индукцион давр кузатилади. АН–МБА тизими учун инициатор бўйича реакция тартиби 0,62 га тенг, бу эса гетерофазали шароитлардаги радикал полимерланиш қонуниятларига мос келади. Умумий фаолланиш энергияси қиймати 65,65 кЖ/молга тенг.

Сополимер мунчоқларининг ўлчамини аралаштириш тезлигини ва химоя коллоиди – крахмал концентрациясини ўзгартириш орқали бошқардик. Аниқландики, айлантириш тезлиги 450–500 айлан/мин ва химоя коллоидининг концентрацияси 4 г/л га тенг бўлганда ўлчамлари 0,6–1,6 мм («А» серияли) сферик мунчоқлар олинади.




1-расм. Мунчоқлар ўлчамининг стабилизатор концентрациясига боғлиқлиги.

Таъкидлаш жоизки, интенсив аралаштириш таъсири остида бўлган мономерлар аралашмаси томчилари полимерланишнинг критик даврларида ёпишиш ва агрегацияланишга мойил бўлади. Бундай ҳолат олиндиган сополимернинг гранулометрик таркибига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Самарали химоя коллоиди сифатида сувда эрувчан крахмал ва ноионоген сирт фаол модда (СФМ)дан иборат янги композиция яратилди. Бундан ташқари химоя коллоидини қўллаш бўйича янги услуб таклиф этилдики, унинг моҳияти стабилизаторни реакция босқичлари хусусиятларидан келиб чиқиб қисмлаб қўшишдан иборат. Тажрибаларнинг кўрсатишича, янги стабилизатор тизими сополимерланишнинг дастлабки фазасида мустақил суюқ мономер томчиларининг коалесценцияланиш ва ёпишқоқ давр ёки «критик фаза»да

алохида мунчоқларнинг ёпишиб, агрегатланиш тенденциясини самарали бартараф этади.

Натижада акрилонитрилнинг янги надмолекуляр архитектурали сополимерлари олинди. Уларнинг электрон-микроскопия суратлари 2-расмда келтирилган.




2-расм. АН–ДВБ сополимерининг сирти (а) ва ички қисмининг (б, в) СЭМ – суратлари.

2-расмдан кўриш мумкинки, сополимер бир-бири билан умумий девор билан ўзаро боғланган ва умумий мураккаб архитектурани ҳосил қилувчи нано-микроўлчамли заррачалардан иборат яхлит мунчоқлардан иборатдир.

Тахмин қилиш мумкинки, янги стабилизатор тизими ва химоя коллоидини қўллаш бўйича янги ёндошув синергик самара беради. Бундай ҳолатнинг эҳтимолий сабаби тикилган компакт глобулаларнинг шаклланишига олиб келадиган занжирларнинг циклланишидир. Бу глобулалар сиртида осилиб қолган қўшбоғлар мавжуд бўлиб, улар кейинги босқичларда глобулаларо тикилишларнинг ҳосил бўлишига ва полимер занжирлари орасида сийраклашган ҳудудларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

3-расмда сополимернинг энергия-дисперсион спектри тасвирланган (тадқиқ этилган соҳа 4-расмда квадрат билан белгиланган).


Микротаҳлил натижаларининг кўрсатишича, сополимернинг спектрида углерод ва азот элементларига тегишли бўлган чўққилар билан биргаликда кислород атомларига тегишли чўққи мавжуд. Бундай ҳолат юқори эҳтимол билан полимер занжирининг ўсиш босқичида макромолекулаларнинг ўзаро механик ўралиши орқали мураккаб тузилишли архитектуранинг ҳосил бўлишида крахмалнинг иштироки билан изоҳланади. Бундай тахминнинг билвосита исботи сифатида стабилизатор молекулаларининг сополимер таркибини турли эритувчиларнинг узоқ муддатли таъсири остида ҳам тарк этолмаганини келтириш мумкин.



3-расм. АН–ДВБ сополимери сиртининг энергия-дисперсион спектри.

Таъкидлаш жоизки, бир неча марта эритувчилар таъсири ва қуришидан сўнг сополимер мунчоқлари ўзининг дастлабки геометрик шакли ва юқори механик мустаҳкамлигини сақлаб қолади.


Стабилизатор тизими таркибига кирувчи кислород атомлари тарқалиш харитаси фазовий тузилишнинг ҳосил бўлишида стабилизаторнинг ҳам иштирок этишини исботлайди (4-расм).



4-расм. Сополимернинг кўндаланг кесими микросурати ва атомларнинг тарқалиш хариталари.

4-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, кислород атомлари нафақат мунчоқнинг сиртида, балки унинг бутун ҳажми бўйлаб тарқалган. Кислород атомларининг бундай жойлашуви кислородтутган стабилизатор молекулалари мураккаб композицион тизим таркибига кирганлигидан далолат беради. Сополимер таркибида азотнинг миқдори (водородни ҳисобга олмаганда) $22,5 \pm 1,0$ масс.% ни, яъни назарий кўрсаткичнинг 80,4 % ини ташкил этади, чунки тоза полиакрилонитрилда бу кўрсаткич 28 масс. % га тенгдир.

Сополимерларнинг ғоваклигини сополимерланиш реакциясини ғовак ҳосил қилувчилар деб аталувчи инерт суюлтирувчилар иштирокида олиб бориш орқали бошқарилди.



5-расм. Турли инерт суюлтирувчилар иштирокида олинган АН–ДВБ сополимерининг сув бугини сорбциялаш изотермалари.

Ғовак ҳосил қилувчиларнинг вазифаси полимерланиш реакциясида бевосита иштирок этмай туриб, матрицанинг бутун ҳажми бўйлаб молекуляр ғовакликлар ҳосил қилишдан иборат. Ғовак ҳосил қилувчилар сифатида турли алифатик (гексан, гептан, октан) ва ароматик (бензол, толуол, ксилол) углеводородлардан фойдаланилди. Углеводородлар ҳаттоки интенсив аралаштириш режимида ҳам қаватлар ҳосил бўлгунга қадар қўшиб борилди ва уларнинг мономерлар аралашмаси массасининг 30 фоизидан ошмади.

Олинган сополимерларнинг фазовий тузилишини сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳолаш мақсадида, сув буглари сорбцияси ўтказилди.

Сорбция изотермалари (5-расм) асосида сополимерларнинг ғоваклик кўрсаткичлари ҳисобланди, уларнинг натижалари 1-жадвалда келтирилган. Ҳисобларнинг кўрсатишича, сополимерларнинг умумий ғоваклар ҳажми (W_0) ғовак ҳосил қилувчининг молекуляр массаси алифатик ва ароматик углеводородлар гомологик қаторларига мос равишда ортиши билан ортиб боради, солиштирма сирт ($S_{\text{сол}}$) қиймати эса фақатгина ароматик углеводородлар гомологик қатор бўйича пропорционал ортади. Аммо бунда ғовакларнинг ўртача қиймати (r_k) бўйича аниқ бир қонуният кузатилмади.

1-жадвал

Турли суюлтирувчилар иштирокида олинган АН–ДВБ сополимерининг ғоваклик кўрсаткичлари

Суюлтирувчи	Солиштирма сирт, $S_{\text{сол}}$, м ² /г	Ғовакларнинг умумий ҳажми, W_0 , см ³ /г	Ғовакларнинг ўртача радиуси, r_k , Å
н-гептан	33,82	0,0417	24,66
изооктан	27,95	0,0439	31,41
н-нонан	41,79	0,0485	23,31
бензол	35,65	0,0438	24,57
толуол	40,38	0,0485	24,02
м-ксилол	43,66	0,0674	30,87

Таъкидлаш жоизки, фазовий структуранинг ғоваклиги инерт суюлтирувчининг миқдорига тўғри чизиқли боғлиқ бўлади. Жумладан,

реакцион аралашмада толуолнинг миқдори 10 ва 30 масс. % бўлганда $S_{\text{сол}}$ нинг қиймати мос равишда 9,2 дан 40,4 м²/г гача, W_0 нинг қиймати 0,017 дан 0,048 см³/г гача ошади.

Макромолекулалар ўртасида кўприк ҳосил қилиш вазифасини бажарувчи тикувчи агент тўрланган полимерларни олиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади. Тикувчи агентнинг роли айниқса бир вақтнинг ўзида қаттиқлик ва эластикликнинг уйғунлигини, эримаслик ва молекуляр ғоваклик хусусиятларини ўзида жамлаган мослашувчан структурани шакллантиришда намоён бўлади.

Тикувчи агентларнинг тузилиш хусусиятларига таъсири синтез қилинган АН–МБА ва АН–ДВБ сополимерларининг ДМФА (ПАН учун θ – эритувчи)да бўкувчанлигини ўрганиш орқали тадқиқ этилди. Тикувчи агент миқдорининг ўзгариши сополимерларнинг θ – эритувчида бўқиш хусусиятларига бевосита таъсир кўрсатиши кўрсатиб берилди. Реакцион аралашмада тикувчи агент масса улушининг ортиши макромолекулалар занжирида тикилишлар сонининг ортишига ва пировардида полимернинг ДМФАдаги бўқиш константаси қийматининг камайишига олиб келади.

2–жадвал

АН–ДВБ сополимери занжир кўрсаткичларининг тикувчи агент миқдorigа боғлиқлиги

[ДВБ], масс. %	ρ , г/см ³	q_{2m}	M_c	$n_c \cdot 10^3$	$N_c \cdot 10^{-21}$	$\nu_c \cdot 10^4$	\bar{V}_c
1,88	1,040	1,52	500	2,08	6,26	1,040	0,52
3,70	1,031	1,46	470	2,19	6,59	1,095	0,54
7,14	1,019	1,33	400	2,55	7,83	1,300	0,65
10,34	1,009	1,21	347	2,90	9,05	1,460	0,73
13,33	0,980	1,10	295	3,22	9,69	1,610	0,80

Тикувчи агент миқдорининг ошиши тикилган сополимернинг ДМФАда бўқиш константасининг ва фаол занжир молекуляр массасининг (M_c) камайишига, ҳажм бирлигида фаол занжирлар концентрацияси (n_c) ва намунада фаол занжирлар моллар сони (ν_c)нинг ортишига олиб келади.

“Акрилонитрил асосида белгиланган тузилишли функционал фаол полимерларнинг йўналтирилган синтези кинетик хусусиятлари” деб номланган **тўртинчи бобида** акрилонитрилнинг тикилган сополимерларини турли модификаторлар таъсирида кимёвий ўзгартириш натижалари келтирилган.

Акрилонитрил таркибида функционал фаол – CN-гурухининг мавжудлиги унинг асосида берилган тузилиш ва физик-кимёвий хоссаларга эга комплекс ҳосил қилувчи катион- ва анионалмашинувчи донатор сорбентлар олиш учун илмий-амалий негизни яратади.


АН–ДВБ сополимеридан фарқли ўлароқ АН–МБА сополимери шу пайтгача асос матрица сифатида қўлланилмаган. Бунинг сабаби, афтидан, тикувчи агент таркибида кислотали ва ишқорий муҳитларга чидамсизроқ бўлган амид боғининг борлидир. Фикримизча, бу каби камчиликларни

полимераналогик ўзгаришларни амид боғини узилишига йўл қўймайдиган юмшоқ шароитларда олиб бориш билан бартараф этиш мумкин.


3-7 масс. %ли NaOH иштирокида АН–МБА сополимерининг ишқорий гидролизи орқали юқори мустаҳкамликка эга бўлган карбоксил катионитлар олиш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

Гидролиз реакциясининг бориши ва катионитларнинг статик алмашинув сиғими (САС) қиймати турли омиллар (ишқор концентрацияси, реакция ҳарорати ва давомийлиги, сув модули)га боғлиқ ҳолда бошқарилди. Реакцион аралашмада ишқор концентрацияси ва гидролиз давомийлигининг ошиши билан катионитларнинг САСнинг ошиши кўрсатилди. Бунда мунчоқларнинг геометрик шакли ва механик мустаҳкамлиги (85 %) амалий жиҳатдан тўлиқ сақланиб қолинади, полимерланиш босқичида шаклланган полимернинг ғовак ва фазовий тузилиши эса деярли ўзгаришсиз қолади. Катионитларнинг САС ғовак ҳосил қилувчининг миқдори 10 дан 30 масс. % гача ошганда 2,1 дан 5,0 мг/экв-г гача ортади.

NaOHнинг 0,1 Н ли эритмаси билан потенциометрик титрлаш натижалари кучсиз кислотали функционал гуруҳларнинг ҳосил бўлганини кўрсатди. Потенциометрик титрлаш эгри чизикларидан Гендерсон-Гессельбах тенгламаси ёрдамида фаол гуруҳларнинг сезиларли диссоциланиш константалари (pK_{α}) аниқланди. Уларнинг қиймати КБ–Мп–1 ва КБ–Дп–1 катионитлари учун мос равишда 5,95 ва 6,48 га тенг. ИҚ-спектроскопик таҳлил натижалари янги функционал гуруҳлар учун характерли бўлган ютилиш соҳаларининг пайдо бўлганини исботлади. Жумладан, КБ–Мп–1 катионитининг ИҚ-спектрида 2244 см^{-1} соҳада – CN-гуруҳни тавсифловчи ютилиш чизигининг йўқолгани кузатилди. 3280 см^{-1} соҳада NH-гуруҳнинг валент тебранишларига тааллуқли кенг чизик мавжуд. 1680-1500 см^{-1} оралиқда иккита чизик, афтидан асосий занжир ва кўприк ҳосил қилувчининг NH-гуруҳларининг тебранишларига тааллуқли амид I (1673 см^{-1}) ва амид II (1526 см^{-1}) чизиклари кузатилди. Ушбу маълумотларга асосланиб, АН–ДВБ сополимерининг гидролизланиш жараёнини схематик равишда қуйидагича тасвирласа бўлади:



Анионалмашинувчи сорбентлар сополимерларнинг – CN-гуруҳларини турли аминлар: гидроксиламин (ГА), гидразин (ГГ), диэтиламин (ДЭА) ва этилендиамин (ЭДА) таъсирида аминлаш орқали олинди. Аминлаш жараёнини схематик равишда қуйидагича тасвирласа бўлади:





ГА, ГГ ва ДЭА иштирокидаги кимёвий модификацияни сувли эритмаларда олиб борилди. АН–МБА ва АН–ДВБ сополимерларини аминлаш жараёнини тезлаштириш мақсадида, уни 5 % ДМФА иштирокида олиб борилди. ДМФА мунчоқларнинг қисман бўқишини таъминлаб, молекулалараро бўшлиқларга кириб бориш муаммосини енгиллаштиради.

Таъкидлаш жоизки, аминларнинг сувли эритмалари ишқорий муҳитга эга. Шу боис нитрил гуруҳларнинг аминолизидида амин гуруҳлар билан биргаликда карбоксил гуруҳлари ҳам ҳосил бўлади. Шу сабабли олинган полимерлар полиамфолит ҳисобланади.

Гидролиз давомида параллел равишда кузатиладиган жараёнларни бартараф этиш ва амин гуруҳларининг парчаланишини олдини олиш мақсадида, кимёвий модификация янги шароитларда – кучсиз кислотали муҳитда $\text{pH}=5,5-6,5$ оралиғида олиб борилди.

Модификациялаш реакцияси шароитлари (модификацияловчи агентнинг концентрацияси, ҳарорат ва реакция давомиёлиги, муҳит рН)ни ўзгартириш орқали сополимернинг физик-кимёвий хоссалари ва функционал гуруҳлари концентрациясини бошқариш имконияти кўрсатиб берилди. Бунда гидроксилламинлаш реакциясини енгиллаштириш мақсадида, “қуйи концентрацияли ишқорий гидролизлаш реакциясини ингибирлаш эффектидан” фойдаланилди, яъни дастлаб нитрил гуруҳлари 1 н ли ишқор эритмасида 2-3 минут давомида фаоллаштирилди.


Аниқландики, гидроксилламинлашда анионитнинг САС қиймати аминнинг концентрациясига тўғри пропорционал равишда ошиб боради ва максимумга (4,2 мг-экв/г) концентрация 10 масс. %да эришади, сўнгра пасая бошлайди ва $[\text{ГА}]=16$ масс. % бўлганда АН–МБА ва АН–ДВБ сополимерлари учун мос равишда 2,7 ва 1,5 мг-экв/г га тенг бўлади. Бундай ҳолат бир бири билан рақобатда бўлган ва амидоксим ва гидроксам гуруҳларининг ҳосил бўлиши билан кечадиган реакцияларнинг мавжудлиги билан изоҳланади (ба-расм).



б-расм. АН–ДВБ (1) ва АН–МБА (2) асосидаги анионитлар САСнинг ГА концентрацияси (а) ва реакция ҳароратига (б) боғлиқлиги эгри чизиқлари. $BM = 1:100$, $[GA] = 10$ масс. %.

Кўрсатилдики, САСнинг энг юқори қийматига ҳарорат 368 К, реакция давомийлиги 5 соат ва $pH=6,5$ бўлганда эришилади (бб-расм). Афтидан, бу рақобатдаги реакциялар кечиши сабабли ҳосил бўладиган амидоксим ва гидроксам гуруҳлари нисбатининг ўзгариши билан изоҳланади.


ГГ билан аминлашда анионит САСнинг реакция муҳитда амин концентрациясининг ошиши билан монотон ўсиши кузатилади. Аниқландики, гидразиннинг концентрацияси 30 масс. %га тенг бўлганда анионит САСнинг энг юқори кўрсаткичи ҳарорат 368 К ва реакция давомийлиги 5 соатда эришилади. Гидразинлаш реакциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, амидин боғлар билан биргаликда молекуляр циклланиш реакциялари ва молекулалараро кимёвий боғларнинг пайдо бўлиши натижасида қўшимча тикилишлар кузатилади. Жумладан, ДМФА иштирокида полимер занжирларнинг 4-амино-1,2,4-триазол халқаларини ҳосил қилиб, қўшимча тикилиши юз беради:



Гидразиннинг бу хусусиятини, жумладан, таркибида амид гуруҳларининг қисман бузилиши сабабли АН–ДВБ сополимерига нисбатан сезиларли концентрацияли ишқор таъсирига бардошлиги пастроқ бўлган АН–МБА сополимери асосида полиамфолит олишда қўлласа бўлади. Аниқландики, АН–МБА сополимерини дастлаб ГГ билан ишлов бериб, сўнгра гидролизлаганда унинг 0,1 Н NaOH бўйича САС 4,29 мг-экв/г га етади, бунда унинг дастлабки механик мустаҳкамлиги (98 %) сақланиб қолинади.

Таъкидлаш жоизки, сополимерларни дастлабки фаоллаштирмасдан ДЭА билан аминлашда анионитларнинг САС 0,3-0,5 мг-экв/г дан ошмайди. Шу сабабли – CN-гуруҳини амидин гуруҳига айланиш даражасини ошириш мақсадида, сополимерлар дастлаб ГА билан ишлов берилди ва сўнгра ДЭА билан аминлаш реакцияси олиб борилди. Ушбу ҳолатда ГА катализатор


вазифасини ўтайди, уни эса реакциядан сўнг FeCl_3 нинг сувли эритмаси билан сифат реакцияси орқали аниқлаш мумкин. Бу йўл билан олинган анионитларнинг САС АН3–Мп–1 ва АН3–Дп–1 анионитлари учун мос равишда 5,2 ва 7,0 мг-экв/г га тенг бўлди.



7-расм. АН–ДВБ (1) ва АН–МБА (2) асосидаги анионитлар САС нинг [ДЭА] га (а) ва муҳит рН га (б) боғлиқлик эгри чизиқлари. ВМ = 1:100, Т=393 К.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ДЭА ишрокида аминлашнинг энг қулай шароити реакцияни [ДЭА]=10 масс. % ва рН=6 да олиб боришдир (7 а,б-расм).

Ноёб металл ионлариги нисбатан специфик сорбцион хусусиятларга эга ҳалқали структураларни ҳосил қилиш ва сув таъсирида юзага келадиган гидролизнинг олдини олиш мақсадида, сополимерларнинг ЭДА билан аминлаш реакциялари концентранган сульфат кислотаси (олеум) муҳитида олиб борилди.



8-расм. АН1–Дп–1 (1), АН2–Дп–1 (2), АН3–Дп–1 (3) ва АН4–Дп–1 (4) анионитларини потенциометрик титрлаш эгри чизиқлари.

ЭДА билан аминлашдан олдин – CN-гуруҳларни фаоллаштириш ГАнинг 2-3 масс. % ли эритмаси билан олиб борилди. САСнинг максимал қиймати (6,0 мг-экв/г) [ЭДА]=75,0 масс. %, реакция давомийлиги 18 соат ва 393 К да эришилди.

Олинган анионитларнинг физик-кимёвий хоссалари ИҚ-спектроскопик таҳлил ва потенциометрик титрлаш билан тадқиқ этилди (6 а,б-расм). Олинган натижалар нисбатан кучсиз диссоциланган амин гуруҳларининг ҳосил бўлганлигини таъкидлашга имкон беради.

“Янги донадор ионитларнинг сорбцион хоссаларини тадқиқ этиш ва уларни қўллаш соҳаларини баҳолаш” деб номланган бешинчи бобда олинган ионитларни қўллаш соҳаларини аниқлаш мақсадида, уларнинг физик-кимёвий ва сорбцион хусусиятларини тадқиқ этиш натижалари келтирилган

Синтез қилинган янги тузилиш архитектурасига эга донадор ионитларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари стандарт усулларда тадқиқ этилди. Сорбентларнинг кимёвий барқарорлиги HCl, NaOH, HClO₄ 5 %ли сувли эритмаларида 48 соат давомида турли ҳароратларда синалди. Аниқландики, агрессив муҳитлар таъсирига бардошлиги жиҳатдан катионитлар устунлик қилади. Жумладан, 5 %ли HCl таъсирида катионитларнинг САС амалий жиҳатдан ўзгармайди, анионитлар эса муҳитнинг агрессивлик даражасига мос равишда 5-38 %гача САС қийматини йўқотади.

